



**“ТАСДИКЛАЙМАН”**

**Тошкент вилояти статистика**

**бошқармаси бошлиғи в.б**

**А. А. Каримджанов**

**“25” август 2017 йил**

**Тошкент вилояти статистика бошқармаси**  
**“Нарх статистикаси” бўлими**  
**НИЗОМИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Тошкент вилояти статистикаси бошқармаси Нарх статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда вилоят бошқармаси деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бошқарма бошлиғи раҳбарлигида фаолият кўрсатади.

3. Нарх статистикаси бўлими ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Тошкент вилояти статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим фаолияти нарх статистикаси соҳасида ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтирилган. Бўлим ўз фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари ва Тошкент вилояти статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Тошкент вилояти статистика бошқармаси раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Тошкент вилояти статистика бошқармасининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

## 2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

*а) давлат статистикаси соҳасида ишлаб чиқилган ягона сиёсатни амалга оширишда, фаолиятни мувофиқлаштиришда, функционал тартибга солиш соҳасида:*

иктисодиётдаги нарх статистикаси ҳажмларининг статистик ҳисобини юритишда қиёсий таҳлилий маълумотларни ўз муддатларида сифатли тайёрланишини таъминлаш ҳамда статистик маълумотларни ҳисобга олиш услубиятларини халқаро стандарт ва қоидалар талабларидан келиб чиқиб амалиётга жорий этиб бориш, нарх статистикаси соҳасида илмий асосланган статистик методологияни ва давлат статистика кузатувлари тизимини режалаштириш, ривожлантириш ва жорий этиш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

нарх статистикаси соҳасида иқтисодий жараёнларни ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

нарх статистикаси доирасида Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилишини ўз вақтида таъминлаш;

Давлат статистика қўмитаси бошқармалари, бўлимлари ҳамда Тошкент вилояти статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва ҳудудий статистика органлари билан биргаликда нарх статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш.

*б) халқаро стандартларга мувофиқ, нарх статистикаси соҳасида илмий асосланган статистик методологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш;*

илмий асосланган, бозор иқтисодиётининг асосий принципларига мос келадиган ягона статистика методологияси ва нарх кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

бўлимга тегишли давлат статистик кузатуви шакллари такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритишни ;

нарх статистикаси назариясининг янги тенденцияларини ва иқтисодий жараёнларни ўрганиш, таҳлил қилиш, ҳисобот шаклларига мос ўзгартиришлар киртиш бўйича вазирликлар, идоралар таклифларини ўрганиш ҳамда уларни Давлат статистика қўмитаси бўлинмалари томонидан муҳокама этилишига таклифлар киритиш;

*в) статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:*

нарх статистикаси ҳисобот кўрсаткичлари маълумотларининг ишончилиги, холислиги, комплекслиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ҳудудий статистика органларининг фаолиятлари мониторингини юритиш;

умумқабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ, нарх статистикаси фаолиятига тегишли қисми бўйича статистик индикаторлар тизимини яратиш ва ривожлантиришда иштирок этиш;

нарх статистикаси бўйича тезкор маълумотлар, статистик тўпламлар ва бир марталик маълумотларни тайёрлаш юзасидан мониторинг олиб бориш;

*г) статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:*

давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, давлат муассасалари ва халқаро ташкилотлар, шунингдек бошқа фойдаланувчиларни нарх статистикаси фаолиятига тегишли маълумотлар билан белгиланган тартибда таъминлаш;

нарх статистикаси фаолияти методологияси масалалари бўйича ёрдам кўрсатиш;

нарх статистикаси масалалари бўйича ҳудудий статистика органлари ходимлари учун маслаҳатлар ва семинарларни ташкил этиш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Нарх статистикаси бўлими ва ҳудудий статистика органлари нарх статистикаси масалалари бўйича ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

нарх статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончлилигини, холислигини ва қиёсийлигини таъминлайди, соҳага оид статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва сақлаш тизимини такомиллаштиради;

нарх статистикаси доирасида давлат статистика кузатуви шакллари, уларни тўлдириш тартиблари бўйича тушунтиришларни, статистик кўрсаткичларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, Қўмита раҳбарияти ва вилоят раҳбарияти топшириғига асосан, ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида нарх статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

Бўлим ўз фаолиятига оид статистика услубиятлари, статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича Тошкент вилояти статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва ҳудудий статистика органлари бўлимларига ёрдам кўрсатади;

давлат статистика ҳисоботларини электрон тарзда тақдим этилишини камровини таъминлайди;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди.

Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иктисодиётнинг энг муҳим устувор йўналишларини, иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда вилоят ҳудудида ижтимоий ва иктисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

### **3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

нарх статистикаси соҳасида кузатувларни ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмаларига таклифлар киритиш;

Бўлимга юклатилган функцияларни бажарилиши учун керакли бўлган маълумотларни Давлат статистика қўмитасининг бошқармалари ва бўлимларидан, шунингдек ҳудудий статистика органларидан олиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича Қўмита бошқармалари ва бўлимлари ҳамда ҳудудий статистика органлари билан ҳамкорлик қилиш;

вазирликлар, идоралар, лойиҳаларни амалга оширувчи гуруҳлар ҳамда бошқа давлат ташкилотларидан бўлим ваколатига кирувчи давлат статистика ишларини олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни, шунингдек уларга илова этиладиган тушунтиришларни сўраш ва олиш;

нарх статистикаси услубияти ва давлат статистика кузатувларини ташкил этишга алоқадор бўлган масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

нарх статистикаси оид давлат статистика ҳисоботларини йиғиш муддатларини мақбуллаштириш, уларни қайта ишлаш, тўлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари тўғри қўлланилишини таъминлаш;

нарх статистикаси соҳасига оид статистик маълумотларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

ташкилот ва давлат сирларини махфийлигини таъминлаш;

Давлат статистика қўмитаси ва Тошкент вилояти статистика бошқармаси томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлим ходимлари ижро интизомини таъминлаш.

#### 4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, етакчи мутахассис ва 1-тоифали мухассислардан иборат.

11. Бўлим фаолиятига вилоят статистика бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассислари вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

13. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисоботи, вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан Давлат статистика ишлар дастурига мувофиқ тасдиқланади.

14. Бўлим шартлари сони ва иш ҳақи миқдори вилоят статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.

15. Бўлимни мазкур Низоми асосида бўлим бошлиғи бошқаради. Бўлим Низоми ва лавозимлар йўриқномаси вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади;

### 5-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

16. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари ҳамда вилоят статистика бошқармасининг иш режалари ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлинмага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

#### 17. Бўлим бошлиғи:

Бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади, бўлим ходимларининг ишларини ташкиллаштиради, бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларни бажарилиши, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун шахсан жавоб беради;

бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма раҳбарига тасдиқлаш учун киритади;

бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

бўлим фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

кўйилган вазифалар, келиб тушган ҳужжатларни назорат қилиш ва ишда тажриба алмашиш масалалари бўйича бўлим ходимлари билан инструктор кенгашлар ўтказиши;

иш юритишни олиб бориш, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади, ходимларнинг ишга оид ҳужжатлар билан ишлаш ва уларни сақланиши бўйича белгиланган тарғибга риоя қилишларини таъминлайди;

ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритади;

бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

ходимларининг лавозим маошларига шунингдек аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига таклифлар киритади;

вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;